

Қатарда ислом молияси бўйича конференция ўтказилади



12:19 / 07.04.2025 891

2025 йил 8 апрель куни Доҳа шаҳрида «**XI-Доҳа Ислом молия конференцияси**» бўлиб ўтади. Унда ислом молияси бўйича мутахассислар, давлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, иқтисодиёт, молия ва технология соҳаларида ихтисослашган молиявий ва академик муассасалар вакилларининг иштироки кутилмоқда.

Тадбирда маҳаллий, минтақавий ва глобал даражадаги ривожланишнинг жорий ҳолати ҳамда бу йўналишдаги инновацион ғоялар намойиш этилади ва муҳокама қилинади. Бунда келажакдаги тараққиёт тенденцияларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу халқаро анжуман ислом молия соҳасини ривожлантириш, экспертлар, тадқиқотчилар ва қарор қабул қилувчилар ўртасида глобал мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек, замонавий технологиялар орқали ушбу соҳанинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини ошириш имкониятларини ўрганишни мақсад қилган.

Қатар Бош вазири ва Ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдураҳмон бин Жасим Оли Сони ҳомийлиги остида ўтказиладиган мазкур тадбир мавзуси — **«Блокчейн ва сунъий интеллект интеграцияси: ислом молияси келажаги»** деб аталади.

Анжуман Қатар Савдо ва саноат вазирлигининг ва Қатарнинг бошқа ташкилотларининг расмий ҳомийлиги остида ўтказилади.

Очилиш маросимида Халқаро Исломий Фикҳ Академияси бош котиби профессор, доктор Кутаб Мустафо Сано асосий маъруза билан иштирок этади.

Доктор Умар А Осени, Туркиядаги Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ОИС) арбитраж маркази бош котиби, ислом банклари ўз фаолиятларида блокчейн ва сунъий тафаккурни жорий этиши учун ҳуқуқий асосларни кўриб чиқади.

Доктор Муҳаммад Шариф, Саудия Арабистонидаги Имом Муҳаммад ибн Сауд Ислом университетининг иқтисодиёт ва ислом молияси бўйича профессори, ислом банклари самарадорлигини оширишда марказлашмаган сунъий тафаккурнинг ўрни ҳақида сўз юритади.

Профессор, доктор Манал ал-Саъидий, Саудиядаги Умм ал-Куро университетининг Шариат ва Ислом тадқиқотлари факультети профессори, электрон ўйинлар ва киберспорт бўйича шариат қоидалари ва меъёрлари бўйича маъруза қилади ва бу мавзулар иштирокчилар томонидан муҳокама қилинади.

Манба: <https://thepeninsulaqatar.com>